

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**БОЙБОБОВА СОХИБА ТЎРАМИРЗАЕВНА**

**MeF<sub>2</sub>-TRF<sub>3</sub> (Me - Ca, Ba; TR- Yb, Ce) АСОСИДАГИ МОНОКРИСТАЛЛ  
ВА НАНОКЕРАМИКАЛАРДА РАДИАЦИЯ БИЛАН УЙЎТИЛГАН  
ХОДИСАЛАР**

**01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
физико-математическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
physical and mathematical sciences**

**Бойбобоева Сохиба Тўрамирзаевна**

MeF<sub>2</sub>-TRF<sub>3</sub> (Me - Ca, Ba; TR- Yb, Ce) асосидаги монокристалл ва  
нанокерамикаларда радиация билан уйғотилган ходисалар ..... 3

**Бойбобоева Сохиба Тўрамирзаевна**

Радиационно-стимулированные явления в монокристаллах и  
нанокерамиках на основе MeF<sub>2</sub>-TRF<sub>3</sub> (Me - Ca, Ba; TR - Yb, Ce)..... 24

**Boyboboeva Soxiba Turamirzaevna**

Radiation-stimulated phenomena single crystals and nanoceramics based  
MeF<sub>2</sub>-TRF<sub>3</sub> (Me - Ca, Ba; TR - Yb, Ce)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**БОЙБОБОВА СОХИБА ТЎРАМИРЗАЕВНА**

**MeF<sub>2</sub>-TRF<sub>3</sub> (Me - Ca, Ba; TR- Yb, Ce) АСОСИДАГИ МОНОКРИСТАЛЛ  
ВА НАНОКЕРАМИКАЛАРДА РАДИАЦИЯ БИЛАН УЙҒОТИЛГАН  
ХОДИСАЛАР**

**01.04.07 – конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/FM178 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбари:**

**Нуриддинов Иззатилло**

физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Джуманов Сафарали**

физика-математика фанлари доктори, профессор

**Умирзоков Болтахужа**

физика-математика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz)).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2020 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М. Ю. Ташметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

**С.Б.Игамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

**С.В. Артемов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари ф.-м.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Хозирги вақтда дунёда флюорит структурасига эга бўлган кристаллар квант электроникасида муҳим роль ўйнаб, ўзларининг изотроплик хусусияти, юқори механикавий мустаҳкамлиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги, яхши оптикавий бир жинслилиги билан ажралиб туради. Турли кириндилар, айниқса сийрак ер элементлари билан фаоллаштирилган кристаллар лазер муҳитлари, сцинтилляторлар, голографик материаллар ва ҳ.к. сифатида қўлланилади. Бундай мақсадлар учун бугунги кунда маълум бўлган энг яхши оптикавий, механикавий ва термик хусусиятларга эга эканлиги туфайли амалиёт учун  $\text{Yb}^{3+}$  ва  $\text{Ce}^{3+}$  ионлари билан фаоллаштирилган кристаллар энг истиқболли ҳисобланадилар. Бу кристаллар турли мақсадларда: юқори энергиялар физикасида (тезлатгичларда детекторлар сифатида), тиббиётда (PET ва SPECT томографияларида), ҳавфсизлик тизимида ва бошқа соҳаларда қўлланилиши мумкин.

Бугунги кунда инсон фаолиятининг керамикалар билан боғлиқ бўлмаган бирон бир соҳасини кўрсатиш қийин. Уларнинг энергетикада, ахборотлаштириш соҳасида, асосий sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида, тиббиётда, машинасозликда, радиотехникада, вакуум ва космик техникада татбиқ этилаётганлиги кўрсатилади. Нанокерамикаларга бўлган алоҳида қизиқиш уларнинг бошқа материаллар, масалан, монокристаллар ва шишаларга қараганда турли хилдаги ташқи таъсирларга чидамлироқ эканлиги, олиниш усули ва тайёрланиши жиҳатидан эса кам меҳнат талаб қилиниши билан боғлиқдир. Кейинги пайтларда фторид материалларидаги лазер ва сцинтилляцион хоссаларининг кинетикавий ва бошқа хусусиятларини яхшилаш мақсадида оптикавий фторид керамикаси яратиш усулидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Керамикага ўтиш материалларнинг иссиқлик-физикавий ва механикавий хусусиятарини (иссиқлик ўтказувчанлик, микроқаттиқлик ва қовушқоқ бузилиш хусусиятларини) яхшилаш имкониятини беради. Керамиканинг жозибadorлиги унинг катта ўлчамларга эга намуналарини олиш мумкинлиги, юқори иссиқлик ўтказувчанликка, иссиқликдан бузулишнинг катта параметрларига эга эканлиги билан боғлиқ. Бу билан боғлиқ ҳолда катта қувватларга эга бўлган лазерлар ва керакли ажратиш қобилиятига эга сцинтилляторлар учун фаол муҳит сифатида керамиканинг татбиқ этилиши жуда катта истиқболларга эгадир. Бундан ташқари, керамика тайёрлаш технологияси кристаллар ўстиришнинг анъанавий услубларига қараганда камхаржроқдир.

Республикамызда монокристаллар ва нанокерамикаларда радиация билан уйғотилган жараёнларнинг фундаментал асосларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Мамлақатимиздаги илм-фанни ривожлантириш ва уни келгусида амалиётда қўллаш учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу фундаментал тадқиқотлар йўналишлари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш Стратегиясида<sup>1</sup> ўз аксини топган.  $\text{MeF}_2\text{--TRF}_3$  ( $\text{Me--Ca, Ba; TR--Yb, Ce}$ ) асосида тайёрланадиган монокристалл лазер ва оптикавий материалларда радиацион жараёнлар етарлича тўлиқ ўрганилган бўлишига қарамасдан, оптикавий керамикада радиация таъсирида уйғотиладиган ҳодисалар, керамика структурасидаги ўзига хос тузилишларнинг радиациявий жараёнларга кўсатадиган таъсири бугунги кунда етарлича тўлиқ ўрганилган эмас. Шу сабабли  $\text{MeF}_2\text{--TRF}_3$  ( $\text{Me--Ca, Ba; TR--Yb, Ce}$ ) асосидаги монокристаллар ва нанокерамикаларда кечадиган радиациявий ҳодисаларни қиёсий ўрганиш масалалари ўта долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сонли “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация ишида ўтказилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги” устивор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда дунёнинг кўп мамлакатлари олимлари, шу жумладан америкалик (E.Hatch, W.F.Parsons, R.J.Weageley, Grass R.N., Stark W.J.), япониялик (Ishigava H., Kato T., Okada G., Fukuda K, Yanagida T., M.Ito, T.Fukuda), франциялик (Ch.Goutaudier, Y.Guyot, K.Lebbou, G.Baulon), россиялик (Ф.К.Вольнец, В.В.Осико, П.А.Попов, Е.А.Ткаченко, М.Ш.Акчурин, П.П.Федоров, В.А.Орловский, В.А.Демиденко, С.В.Кузнецов, П.А.Попов, Э.Н.Рыжиков, П.А.Родный), хитойлик (J.Luo, L.Ma, W.Chen), руминиялик (I.Nicoara, L.Lighezan, M.Inculescu, I. Inculescu, M.Stef, A.Pruna) ва бошқа олимлар томонидан монокристаллар ва фторидли бирикмалар асосида оптикавий нанокерамикаларни синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг турли физикавий-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилган.

Тадқиқотлар олиб бориш жараёнида фотоника элементларида ишлатишда керак бўлган 1 мкм тўлқин узунлигида  $10^{-2}\text{--}10^{-3}$  см<sup>-1</sup> га тенг даража паст оптикавий йўқотишга эга бўлган шаффоф оптикавий фторид керамикаси олиш имконияти мавжуд эканлиги кўрсатилди. Ўтказилган тажрибалар фторид нанокерамикаларнинг монокристалларга нисбатан

<sup>1</sup> 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

механикавий ва люминесценциявий хоссалар бўйича бир қатор афзалликларга эга эканлиги, шунингдек, фторид нанокристаллари ва монокристалларининг иссиқлик-физикавий хоссаларининг тўлиқ мос келишлигини кўрсатди.

Шунинг билан бир қаторда, радиация таъсири остида фторид керамикаларининг эгалик қиладиган радиацион характеристикалари охирагача ўрганилмаган ва бу йўналишда синчковли илмий изланишлар олиб бориш талаб этилади. Бу каби изланишлар нанокерамик материалларни лазер, сцинтилляцион ва фан ва техниканинг бошқа соҳаларида кенг қўллашлик нуқтаи назаридан юқори истиқболли ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф2-ФА-Ф118 рақамли «Ионлаштирувчи нурлар дитекторлари сифатида қўлланиладиган оксид ва фторид қаттиқ жисм материалларида радиация билан стимуллашадиган ҳодисалар қонуниятлари» (2012-2016); ОТ-Ф2-23 рақамли «Оксид ва фторид қаттиқ жисм материалларидаги генерациявий ва рекомбинациявий жараёнларнинг ўзига хос жиҳатлари» (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади**  $\text{MeF}_2\text{-TRF}_3$  (Me-Ca, Ba; TR-Yb, Ce) асосли монокристаллар ва нанокерамикаларда таққослаш асосида радиация билан стимуллашган жараёнларни ўрганиш ва бу материаллардаги радиациявий жараёнларнинг умумий ва ўзига хос қонуниятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тақтиқ этилаётган материалларидаги спектрал-люминесценциявий, радиацион-оптикавий хусусиятларини ўрганиш;

монокристаллар ва нанокерамикаларда радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлиш қонуниятларини ўрганиш;

монокристаллар ва нанокерамикаларда радиация билан стимуллашган жараёнларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

киритма марказларининг валент ва конфигурациявий ўзгаришлари табиатини аниқлаш;

нанокерамикаларда мавжуд бўлган доначалар ва қатламлар орасидаги чегаравий соҳаларнинг радиациявий хусусиятларга таъсири характерини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида  $\text{MeF}_2\text{-TRF}_3$  (Me-Ca, Ba; TR-Yb, Ce) асосли монокристалл ва нанокерамикалардаги киритма ва хусусий марказлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб  $\text{MeF}_2\text{-TRF}_3$  (Me-Ca, Ba; TR-Yb, Ce) асосли монокристалл ва нанокерамикалардаги радиация билан стимуллаштирилган жараёнларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари:** спектрал люминесцент (фотолюминесценция, гаммалюминесценция) ва абсорбцион (ютилиш спектри) усуллари,

радиациявий жараёнларнинг қонуниятларини аниқлаш учун  $^{60}\text{Co}$  гамма нурлари манбаи, шунингдек, хона ҳароратида нурлантирилган намуналар радиациявий нуқсонларнинг термик барқарорлигини аниқлаш учун муфель печларида 300-900К ҳарорат оралиғида  $50^\circ$  кадам билан қиздириш усуллари ҳам қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

$\text{CaF}_2\text{-YbF}_3$  асосида синтез қилинган кристаллар ва нанокерамикаларнинг радиацион-оптикавий характеристикаларига керамикавий намуналарда доналараро ва қатламлараро чегараларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган иттербий кириндилари таъсир этишининг ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

$\text{CaF}_2\text{-YbF}_3$  асосида олинган монокристаллар ва нанокерамикаларда  $\text{Yb}^{3+} \rightarrow \text{Yb}^{2+}$  валент ўзгаришлари билан бир қаторда, тугунлар орасидаги  $F_i$  ионлари иштирокида турли структуравий ҳолатларда жойлашган  $\text{Yb}^{3+}$  ионлари ўртасидаги  $\text{Yb}^{3+} \rightarrow \text{Yb}^{3+}$  конфигурациявий ўтишлар ҳам амалга ошиши аниқланган;

$\text{MF}_2:\text{TRF}_3$  асосидаги оптикавий нанокерамикаларнинг шу асосдаги монокристалларга нисбатан  $10^8$  рад нурланиш дозасигача радиация таъсирига турғун эканлиги топилган;

нанокерамикавий  $\text{CaF}_2\text{-YbF}_3$  намуналарда доналараро ва қатламлараро бўлиниш чегараларининг мавжудлиги  $\text{Yb}^{2+}$  марказларнинг икки босқичли тўпланиши ва термик парчаланишига олиб келиши, бунда биринчи босқич, монокристалларда ҳам бўлганидек, тугунлар орасидаги  $F_i$  ионларининг бузилмаган кристалл фазасидаги ҳаракати билан, иккинчи босқич эса  $F_i$  ионларининг доналараро ва қатламлараро бўлиниш чегараларидаги ҳаракати билан боғлиқ эканлиги кўрсатилган;

$\text{BaF}_2\text{-CeF}_3$  нанокерамикавий намуналарда церий билан боғлиқ янги люминесценция марказлари топилиб, улар жуфтлашган церий марказлари ( $\text{Ce}_2$ - марказлар) ва церий ионларининг нанокерамикада доналараро ва қатламлараро чегараларда жойлашган кластер нуқсон ҳолатлари билан ҳосил қилган комплекслари ( $\text{Ce}_3$  ва  $\text{Ce}_4$ ) тарзида идентификация қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

$\text{BaF}_2\text{-CeF}_3$  асосидаги монокристалларини синтез қилишда фторлаштирувчи агент учиб чиқиб кетишидан кейин қоладиган кўрғошин излари кристалларнинг радиацияга чидамлилигини камайтириши кўрсатилган;

синтез жараёнида фойдаланиладиган ўз-ўзидан фторланувчи  $\text{BaF}_2\text{-HF}$  прекурсор нанокерамикани кўрғошиндан анчагина тозалаб, нанокерамиканинг радиацияга чидамлилигини ошишига олиб келиши аниқланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** кенг доирада замонавий абсорбцион, люминесцент, термо- ва фотоактивациявий услубларнинг қўлланилганлиги, етарлича статистикага эга бўлган тажрибавий натижаларнинг катта ҳажми ва олинган натижаларнинг конденсирланган

ҳолат физикасининг фундаментал қонунларига ва асосий концепцияларига қарши келмаслиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти  $\text{CaF}_2\text{-YbF}_3$  ва  $\text{BaF}_2\text{-CeF}_3$  асосида олинган монокристаллар ва нанокерамикаларнинг спектрал ҳамда радиация билан стимуллашган характеристикаларидаги фарқли жиҳатлар нанокерамикавий намуналар структурасидаги мавжуд нанодоначалар ва қатламлар орасидаги ўтиш чегаралари билан боғлиқ эканлигининг аниқланганлигидадир.

Натижаларнинг амалий аҳамияти фторидлар асосида олинадиган нанокерамикаларнинг радиация таъсирига чидамлилиги  $10^8$  радгача юқори эканлиги аниқланганлигида бўлиб, бу лазер ва сцинтилляциявий техниканинг ривожланишига ёрдам бериши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**  $\text{MeF}_2\text{-TRF}_3$  (Me-Ca, Ba; TR-Yb, Ce) монокристаллар ва нанокерамикаларда кечадиган радиация билан стимуллашган ҳодисаларни ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

$\text{CaF}_2\text{-YbF}_3$  асосида синтез қилинган монокристаллар ва нанокерамикалар учун аниқланган радиацион-оптикавий характеристикаларига иттербий киридисининг таъсир этиш қонуниятлар чет эллик олимлар томонидан иттербий билан фаоллаштирилган кристалл ва нанокерамикалар хусусиятларини ўрганиш жараёнида фойдаланилган (халқаро илмий журналлардаги ҳаволалар [Inorg. Mat.](#), Vol.53 No 3, pp. 313–317, 2017; [J. Phys. Chem. C](#), 2017, Vol. 121, No 51, pp. 28435-28442; [Scient. Bull. of University of California, Santa Cruz, ProQuest Dissertations Publishing](#), 2019, 13811489). Илмий натижаларнинг қўлланилиши  $\text{CaF}_2\text{-YbF}_3$  асосида олинган монокристаллар ва нанокерамикалардаги баъзи иттербийли марказлар табиатини аниқлаш имконини берган;

$\text{BaF}_2\text{-CeF}_3$  асосида олинган оптикавий нанокерамиканинг радиацияга чидамли эканлигининг аниқланиши чет эллик олимлар томонидан радиация таъсирига чидамли нодир ер элементлари фторидлари асосида синтез қилинадиган нанокерамикавий сцинтилляторларни излаб топиш мақсадида фойдаланилган (халқаро илмий журналлардаги ҳаволалар [Radiation Measurements](#), Vol. 106, pp. 140-145, 2017; [Doklady Physics](#), Vol.61, pp. 50–54, 2016; [J. Am. Ceram. Soc.](#), Vol. 102, pp. 178–184, 2019). Илмий натижаларнинг қўлланилиши баъзи янгидан ишлаб чиқиладиган сцинтилляторларнинг радиация таъсирига чидамлилигини ошириш имконини берган;

$\text{BaF}_2\text{-CeF}_3$  асосида олинган нанокерамикаларда аниқланган церийли марказлар характеристикалари чет эллик олимлар томонидан ишлаб чиқиладиган янги материалларнинг сцинтилляциявий характеристикаларини яхшилаш мақсадида фойдаланилган (халқаро илмий журналлардаги ҳаволалар [J. All. Comp.](#), Vol. 817, No 15, 2020, 153075; [Rad. Phys. and Chem.](#), Vol. 153, pp. 70-78, 2018; [J. Cryst. Growth](#), Vol. 525, 125188, 2019). Илмий натижаларнинг қўлланилиши  $\text{BaF}_2\text{-CeF}_3$  асосида тайёрланган маълум материалда нур чиқариш қобилиятини ошириш ва сцинтилляторлар учун янги таркиблар ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та Халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, шундан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, олиб борилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакиллантирилган, тадқиқотнинг объекти, предмети ва методлари ҳақида маълумотлар келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилиши, ишнинг апробацияси, шунингдек, диссертациянинг ҳажми ва структураси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

**“MeF<sub>2</sub>-TRF<sub>3</sub> асосидаги монокристалл ва нанокерамикаларнинг асосий физикавий параметрлари ва спектрал характеристикалари”** деб номланган биринчи бобда флюорит кристалларининг асосий физик хусусиятлари, нодир ер элементлари киритилган флюорит кристалларидаги нодир ер элементлар иштирокидаги оптик марказларнинг турлари, фторид оптикавий нанокерамикалардаги характерли структура ўлчамлари, механикавий хоссалари, спектрал характеристикалари ҳақида абадиётларда мавжуд бўлган маълумотлар таҳлили келтирилган. Адабиётлардаги материаллар таҳлили асосида боб охирида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакиллантирилган.

**“Тадқиқот объектлари ва тажриба методлари”** деб аталган иккинчи бобда тадқиқот объектларининг танлови асосланган, уларни олиш услублари ҳақида маълумотлар келтирилган, ушбу тадқиқотни ўтказиш учун қўлланилган тажриба методларининг ўзига хос жиҳатлари баён қилинган.

Уб киритмаси билан легирланган калций фториди (CaF<sub>2</sub>) ва Се киритмаси билан легирланган барий фториди (BaF<sub>2</sub>) монокристаллари ва нанокерамикалари тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган. Иттербий ва церий киритмасининг танланиши унинг люминофорларда, сцинтиляторларда ва лазерларда фаол элемент сифатида амалий мақсадларда кенг тадбиқ

этилиши билан боғлиқ. Монокристаллар вертикал йўналтирилган кристаллашув методи билан ўстирилган. Фторлаштирувчи агент (тозаловчи) сифатида кўрғошин фторидидан фойдаланилган. Киринди таркибининг спектрал таҳлили монокристаллар синтездан кейин уларда кўрғошин излари қолишини кўрсатди. Керамика порошоксимон прекурсорни қайноқ пресшлаш методи билан олинган. Нанокерамика синтезида фойдаланиладиган ўз-ўзидан фторлашувчи  $\text{BaF}_2\cdot\text{HF}$  прекурсоридан фойдаланиш нанокерамикани анчагина тозаланишига олиб келади.

Киридилар концентрацияси  $\text{CaF}_2\text{-YbF}_3$  монокристаллари ва нанокерамикалари учун 0,1-3,6 моль % ни ва  $\text{BaF}_2\text{:Ce}^{3+}$  учун 0,12 моль % ни ташкил қилди. Ўлчаш ишлари учун ўлчамлари  $1\times 5\times 10\text{мм}^3$  бўлган параллелепипед кўринишида кесиб олинган ва оптикавий сифат даражасида жилвирланган намуналардан фойдаланилди.

Намуналардан 77-300 К ҳарорат оралиғида оптикавий ютилиш (ОЮ), фотолюминесценция (ФЛ) ва гаммалюминесценция (ГЛ) спектрлари ёзиб олинди. Дастлабки (нурлантирилмаган) ва нурлантирилган намуналарнинг ОЮ спектрлари хона ҳароратида тўлқин узунликларининг 190-1100 нм оралиғида Перкин Элмер фирмасининг “Лямбда 35” спектрофотометрида, тўлқин узунликларининг 190-1100 нм оралиғида эса Карл-Цейсс фирмасининг Specord M-40 спектрофотометрида ёзиб олинди. Ўзаро бири-бири билан кесишадиган полосаларни ажратиш учун нурланиш билан вужудга келтириладиган полосалар спектрлари ўлчанди. Бу иш ўрганилаётган намуна ва эталоннинг спектрларини бир-биридан ажратиш билан амалга оширилди.

ФЛ ва уларни уйғотиш спектрлари 200 нм дан 800 нм гача МДР-2 (ЛОМО), SPM-2 (CARL ZEISS) монохроматорлар асосида йиғилган ускунада амалга оширилди. Зондловчи манба сифатида юқори қувватли ксенон лампасидан фойдаланилди. Уйғотувчи қисм МДР-12 монохроматори асосида, ёзиб олувчи қисм эса SPM-20 монохроматори асосида тайёрланди ва спектрлар ФЭУ-106 воситасида ҳамда У5-11 кучайтиргичи ёрдамида ёзиб олинди.

ГЛ  $^{60}\text{Co}$  гамм нурлари манбаи воситасида тўлқин узунликларининг 200-800 нм соҳасида 77-300 К ҳарорат оралиғида уйғотилиб, ФЭУ-100 воситасида МДР-12 монохроматорида ёзиб олинди. Бунда гамма нурлари манбайининг қуввати 300p/c ни ташкил этди.  $^{60}\text{Co}$   $\gamma$ - нурлари манбайи беш метр чуқурликда жойлаштирилди. Нур ўтказгич сифатида қайтариш коэффициенти юқори ( $R\sim 90\%$ ) бўлган алюминий трубкадан фойдаланилди.

Люминесценцияни ўлчашнинг барча ҳолларида ФЭУнинг сезгирлигига тузатиш киритилмади. ОЮ ва ФЛ интенсивликларини ўлчашда тажрибалар хатолиги  $\sim 5\%$  дан ошмади, тўлқин узунликларини аниқлаш хатолиги эса  $\sim 0,05\div 0,5$  нм ташкил этди.


Гамма нурлари билан нурлантириш воситасида вужудга келган ЮПларининг термик стабиллиги ўрганилди. Бунинг учун намуналар ЮПлари интенсивликлари тўйингунига қадар ( $10^8$  рад дозагача)

нурлантирилди, сўнгра СНОЛ-16251/11-ИЗ IP20 типдаги муфель печида 25-600 °C ҳарорат оралиғида 50°C қадам билан қиздирилди. Бунда намуналар белгиланган ҳароратгача қиздирилди, ушбу ҳароратда 30 минут ушлаб турилди, кейин печь ўчирилди. Хона ҳароратигача совуганидан сўнг намуналар олинди ва ОЮ спектрлари ўлчанди.

**“CaF<sub>2</sub>-YbF<sub>3</sub> асосидаги монокристалл ва нанокерамикаларнинг спектрал хусусиятларини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобда CaF<sub>2</sub>-YbF<sub>3</sub> монокристалл ва нанокерамикаларининг γ-нурлари таъсиридаги спектрал характеристикалари натижалари келтирилган.

Нурлантирилмаган монокристалл ва нанокерамика наъмуналарининг оптик ютилиш спектрлари (ЮС) деярли бир хил бўлиб, уларда УБ–соҳада Yb<sup>2+</sup> ионларидаги ютилиш билан боғлиқ максимумлари 214, 227, 263, 274, 320 ва 365 нм да бўлган ютилиш поласалари (ЮП), шуниндек 900-1060 нм оралиқдаги ИҚ-соҳада Yb<sup>3+</sup> ионларидаги ютилиш билан боғлиқ максимумлари 922, 940, 945, 964, 978 ва 1010 нмларда жойлашган поласалар мавжуддир (1-расм). 900-1060 нм оралиқдаги ЮП эса Yb<sup>3+</sup> ионларидаги <sup>2</sup>F<sub>7/2</sub>–<sup>2</sup>F<sub>5/2</sub> электрон ўтишларига, 214–360 нм оралиқдаги поласалар электронларнинг Yb<sup>2+</sup> ионларидаги <sup>1</sup>S<sub>0</sub>(4f<sub>14</sub>) сатҳидан <sup>4</sup>f<sub>14</sub>5d сатҳига ўтишларга мос келади. *f-f* ўтишлардан фарқли ўларок, *f-d* ўтишга рухсат берилганлига сабабли, уларнинг ЮП интенсивлиги *f-f* ўтишларига нисбатан тахминан 10<sup>4</sup> марта каттароқ бўлади. 900-1060 нм оралиқдаги ЮП эса Yb<sup>3+</sup> ионларидаги <sup>2</sup>F<sub>7/2</sub>–<sup>2</sup>F<sub>5/2</sub> электрон ўтишларига, 214–360 нм оралиқдаги поласалар электронларнинг Yb<sup>2+</sup> ионларидаги <sup>1</sup>S<sub>0</sub>(4f<sub>14</sub>) сатҳидан <sup>4</sup>f<sub>14</sub>5d сатҳига ўтишларга мос келади. *f-f* ўтишлардан фарқли ўларок, *f-d* ўтишга рухсат берилганлига сабабли, уларнинг ЮП интенсивлиги *f-f* ўтишларига нисбатан тахминан 10<sup>4</sup> марта каттароқ бўлади.

Иккала турдаги намуналарда хона ҳароратида 10<sup>5</sup>-10<sup>8</sup> рад дозадаги γ-нурланиши таъсирида 200-400 нм оралиқдаги Yb<sup>2+</sup> ионларининг барча поласалари интенсивлиги ортади (1-расм 2 чизик), 860-1060 нм соҳада эса Yb<sup>3+</sup> ионлари поласалари интенсивлиги бирмунча камаяди, бу эса киритма ионларида Yb<sup>3+</sup> → Yb<sup>2+</sup> валент ўтишлари содир бўлишини кўрсатади. Yb<sup>2+</sup> ионининг γ-нурланишдан кейинги ютилиш поласаси интенсивлиги намуналарни нурлантириш дозасига боғлиқ. Нурлантириш дозасининг ошиши ютилиш поласалари интенсивлиги ортишига олиб келади. Нурланишдан сўнг вақт ўтиши билан иккала наъмунада ҳам Yb<sup>2+</sup> ионларининг барча ЮП интенсивлиги камаяди. Агар 214, 228, 262, 274 ва 364 нм поласалар интенсивлиги бир бирига нисбатан пропорционал равишда камайса, 320 нм поласа интенсивлиги бошқа поласаларга нисбатан анча тез камаяди.



**1-расм. CaF<sub>2</sub>-YbF<sub>3</sub> (3,6 мол %) монокристалли ва CaF<sub>2</sub>-YbF<sub>3</sub> (3 мол %) нанокерамикасининг УБ-сохада (а-кристалл с- керамика) ва ИҚ-сохада (б-кристалл d-керамика) оптик ютилиш спектри: 1)нурлантирилмаган; 2)10<sup>5</sup> рад γ-нурланишдан сўнг; 3) γ-нурланишдан бир кундан сўнг.**

Намуналарда γ-нурланиш таъсирида 978 нм полоса интенсивлиги энг кўп камаяди, 945, 966 ва 990 нм полосалар интенсивлиги эса бирмунча озроқ камаяди, бундан ташқари 922 ва 962 нм полосалар интенсивлиги сезиларли миқдорда ортади.

Нурлантириш тўхтатилган сўнг спектрнинг дастлабки ҳолатга тикланиш жараёни бошланади, лекин бир кундан кейин тўлиқ дастлабки нурланмаган ҳолига қайтмайди. Нурланишдан бир сутка ўтгач, максимал қиймати 262, 274, 320, 364 нм бўлган полосаларга мос келувчи марказлар миқдори дастлабки нурланишсиз ҳолтадагига нисбатан бирмунча кўп, аммо 945, 965, 978 нм полосаларга мос келувчи марказлар концентрацияси эса дастлабки ҳолатдагига нисбатан камроқ бўлади. Дастлабки нурлантирилмаган, нурлантирилган зоҳоти ва нурлантиришдан сўнг маълум бир вақт ўтгандан кейин олинган оптикавий ютилиш спектрларини таққослаш ва таҳлил қилиш, намуналарда нурлантириш вақтида ва ундан сўнг Yb<sup>3+</sup> → Yb<sup>2+</sup> валент ўтишлардан ташқари Yb<sup>3+</sup> ҳолатларининг ўзида мураккаб Yb<sup>3+</sup> → Yb<sup>3+</sup> ўтишлар ҳам вужудга келишидан далолат беради.

CaF<sub>2</sub>-YbF<sub>3</sub> намунасида спектрининг 900-1000 нм соҳаси кузатилаётган 922, 962 нм даги ютилиш полосаси – кубик; 967-969 нм даги полоса – тетрагональ; 910, 936, 966 ва 976 нм дагиси – тригональ; 945 и 956 нм дагиси

– кичик кластер; 978 нм дагиси – гексаметрик кластер марказлари билан боғлиқдир. Тажрибаларимиз 922, 965, 978 нм даги полосалар мураккаб ва уларда бир нечта  $Yb^{3+}$  марказларининг ютилиш полосалари ўзаро қопланган эканлигини кўрсатди.

УБ ва ИҚ сохалардаги ЮП интенсивлиги кристалл ва керамикага киритилган иттербий киритмасининг концентрациясига боғлиқ бўлади. Киритма концентрациясининг ошиши билан УБ ва ИҚ-сохалардаги ЮП интенсивлиги ортади. Ўстирилган кристаллнинг турли жойларидан олинган намуналарда ўлчанган ЮС шуни кўрсатдики, турли намуналарда УБ соҳасидаги ютилиш интенсивлиги турлича, бу эса  $Yb^{2+}$  ионлари кристалл бўйлаб нотекис тақсимланганлигини кўрсатди. Агар УБ-сохада ютилиш коэффиценти катта бўлса, у холда ИҚ-сохада ютилиш коэффиценти кичик бўлади ёки бунинг аксинча. Бу ходиса киритма концентрацияси бир хил бўлган холда кристалларда ҳам, керамика намуналарида ҳам кузатилди.

γ-нурлари билан нурлантириш кристалларда ҳам, керамикада ҳам иттербий ионлари концентрациялари нисбатининг кучли ўзгаришига олиб келди.  $Yb^{2+}$  иони концентрацияси кўп бўлган дастлабки намуналарда γ-нурланишдан кейин  $Yb^{3+} \rightarrow Yb^{2+}$  валент ўзгаришлари камроқ,  $Yb^{2+}$  иони концентрацияси кам бўлган намуналарда эса  $Yb^{3+} \rightarrow Yb^{2+}$  валент ўзгаришлари кўпроқ содир бўлади. Нурланиш таъсирида  $Yb^{3+}$  ионларининг валент ўзгаришлари монокристалларда кучли намоён бўлади. γ-нурланишдан сўнг кубик  $O_h$  марказларига мос келувчи 922 нм полоса ҳар иккала тур намунада ҳам ортади, бу эса нурланиш таъсирида катта кластер парчаланиши ҳисобига янги уч валентли кубик ҳолатлар пайдо бўлишига олиб келади. Керамикаларда  $Yb^{3+} \rightarrow Yb^{3+}$  ўтишлар, яъни  $Yb^{3+}$  ионлари билан боғлиқ структуравий ўзгаришлар монокристаллга нисбатан кўпроқ содир бўлади.

Нурлантирилган намуналарни хона хароратида қоронғи жойда сақлаш шуни кўрсатдики, спектрлар намуналарнинг дастлабки нурлантирилмаган ҳолати томон бирмунча қайта тикланади, бу нарса эса тугунлар орасида жойлашган квазистабиль фтор ионларининг харакати билан боғлиқдир

Вақт ўтиши билан иккала турдаги нурлантирилган намуналарда ҳам  $Yb^{2+}$  ионларининг ЮП интенсивликлари камаяди. Бир кундан сўнг эса намуналарнинг ОЮ спектрлари стабил ҳолатга келади, бу пайтда 320 нм га мос келувчи полоса интенсивлиги деярли дастлабки нурлантирилмаган ҳолатидаги ҳолатга қайтади. Максимал қиймати 978 нм мос келувчи кластер билан боғлиқ ЮП интенсивлиги бир суткадан кейин деярли дастлабки ҳолатигача қайтади, лекин тўлиқ тикланмайди. Максимуми  $\lambda=976$  нм да бўлган бўлган тригонал марказлар билан боғлиқ ЮП интенсивлиги нурланишдан бир соат ўтгач тўлиқ ўз ҳолатига қайтади. Бу жараённи қуйидагича тушунтириш мумкин: намуналар γ- нурлари билан  $10^8$  рад дозада нурлантирилганда тугунлар орасида жойлашган фтор ионлари электрон уйғонишлардан энергия олиб, тетрагонал, тригонал, катта ва кичик кластерлардан узоқлашишади. Натижада ушбу марказлар миқдорининг камайиши (бу ҳақида γ- нурлари билан нурлантирилгандан кейин 940, 965 ва

978нм даги полосалар интенсивлигининг камайиши гувоҳлик беради) билан бир қаторда, УБ – соҳадаги кубик ( $Yb^{2+}$ ) марказлар сони ва қандайдир миқдорда кубик  $O_h$  марказлар ( $Yb^{3+}$ ) миқдорининг ортиши рўй беради. Тугунлар орасида жойлашган ва ўз жойини тарк этган фтор ионлари турғун ёки нотурғун ҳолатларда бўлишлари мумкин. Нотурғун (яъни ностабил) фтор ионлари вақт ўтиши билан ўзларининг дастлабки жойларига қайтадилар, натижада дастлаб тригонал марказлар (976нм) пайдо бўлади, бу тригонал марказлар эса вақт ўтиши билан кластерлар ҳосил қилади. Нурланиш таъсирида кластердан узоқлашган баъзи фтор ионлари ўзларининг дастлабки ҳолатига қайтмайдилар, натижада кластерлар нурлантиришдан бир сутка ўтиб ҳам дастлабки ҳолатларига тўлалигича тикланмайди, бу эса тригонал  $C_{3v}$  ва кубик  $O_h$  марказлар сонинини ортишига олиб келади.


$10^8$  рад дозада нурлантиришдан сўнг 6 ой қоронғида сақлаб ва ундан сўнг  $600^\circ\text{C}$  ҳароратда терморангсизлантирилган Кристалл ва керамика намуналарининг ЮС олинди. ЮС таққослаш, керамика намунасида ЮС интенсивлиги нурлантирилмаган дастлабки ҳолатга тўлиқ қайтмаганлигини, Кристалл намунасида эса ЮП интенсивликлари нурлантирилмаган дастлабки ҳолатга деярли қайтганини кўрсатди. Бундан ү-нурлантириш таъсирида кристалларда ва керамикаларда  $Yb^{3+} \rightarrow Yb^{2+}$  валент ўзгаришлари ва  $Yb^{3+}$  ионлари қатнашадиган структуравий ўзгаришлар вужудга келади, деб хулоса чиқариш мумкин.

Нурлантирилган кристалларни сақлаш, шунингдек уларни қиздириш жараёнларида нурлантириш пайтида ўз жойини тарк этган метастабил фтор ионлари ўзларининг дастлабки жойларига қайтиб келишади. Бу ҳолат кристалларда тугунлар орасида жойлашган фтор ионлари ҳаракатига қаршилиқ қилувчи бўлиниш чегаралари мавжуд бўлмаганлиги туфайли улар дастлабки ҳолатларига қайтиши билан боғлиқ, аммо кристалл структурасида маълум бир миқдор бузулишлар қоладики, уларда тугунлар орасида жойлашувчи фтор ионлари тутиб қолинади. Керамикада тугунлар орасидаги фтор ионлари “ушлаб қолинадиган” бундай соҳалар доначалар ва бўшлиқлар орасидаги бўлиниш чералари бўлиши мумкин. Керамикани  $600^\circ\text{C}$  ҳароратгача қиздирилганда ЮП интенсивлиги дастлабки ҳолатигача қайтмайди, бу эса қиздириш жараёнида керамика структурасидаги кристаллитларнинг йўналишлари ўзгарганлиги, натижада тугунлар орасидаги фтор ионларини тутиб қолувчи бўшлиқларнинг шакли ўзгаришини кўрсатади.

Нурланишдан сўнг ОЮ спектрлари стабил ҳолатда бўлмаганлиги ва улар бир суткадан кейингина стабиллашганлиги туфайли, ЮПларининг дозага боғлиқлигини аниқлаш учун алоҳида полосаларнинг нурлантирилгандан бир сутка кейинги интенсивликларининг  $10^5$ - $10^8$  рад дозалар оралиғидаги ўзгариш графиги тузилди (2-расм).


Намуналардаги полосалар интенсивликларининг нурлантириш дозасига боғлиқлиги графигидан кўринадикки,  $Yb^{2+}$  билан боғлиқ барча полосалар интенсивликлари  $10^5$ - $10^7$  рад оралиғида ортиб боради ва  $10^7$  рад дозада

тўйинади. Агар кристалдаги  $\text{Yb}^{2+}$  билан боғлиқ барча ЮП интенсивликларининг ортиши бир босқичда амалга ошса, керамикада 320нм даги полосадан ташқари қолган барча ЮП интенсивликларининг ортиши икки босқичда содир бўлади: биринчи босқич  $10^6$  рад дозагача амалга ошса, иккинчи босқич, худди кристалда бўлгани каби,  $10^7$  рад дозага қадар давом этади.




**2-расм.  $\text{CaF}_2:\text{YbF}_3$  кристалли (а) ва керамикаси (б) учун нурлантиришдан бир сутка ўтгандан кейин максимумлари 360нм (1); 320нм (2); 271нм (3); 260нм (4); 227нм (5); 214нм да (6) бўлган ОЮ полосалари интенсивликларининг нурлантириш дозасига боғлиқлиги графикалари**

3-расмда нурлантирилган намуналарда 25-600 °С ҳарорат оралиғида ЮП интенсивликлари ўзгаришининг ҳароратга боғлиқлиги графиги келтирилган. ЮПнинг ҳароратга боғлиқлиги графиги Кристалл ва керамика намуналарида кескин фарқ қилади. Агар кристаллда  $\text{Yb}^{2+}$  билан боғлиқ барча ЮП интенсивликлари ҳарорат ортиши билан бир босқичли камайса, керамикада 320 нм полосадан ташқари барча полосаларда камайиш икки босқичда содир бўлади: биринчи босқич 25-200 °С оралиқни, иккинчи босқич 200-600 °С оралиқни ўз ичига олади. Бизнинг фикримизча, иккинчи босқични пайдо бўлиши керамика намуналарида доначалараро ўтиш соҳаларнинг мавжудлиги билан тушунтирилади. Агар кристаллда терморангсизланиш тугунлар орасида жойлашган  $F_i$  фтор ионларининг бир хил активация энергиясига эга тугунлар орасидаги бўш жойлар бўйлаб ҳаракати туфайли содир бўлса, керамикада тугунлар орасида жойлашган фтор ионлари нанокристалл соҳаларда жойлашган тугунлар орасидаги бундай бўш жойлардан ташқари активация энергияси ундан кескин фарқ қилувчи доначалараро ўтиш чегаралари бўйлаб ҳам ҳаракатланади.



**3-расм.  $\text{CaF}_2:\text{YbF}_3$  кристалл (а) ва керамика (б) намуналарида нурланишдан 6 ой ўтгандан кейин максимумлари 360 нм да(1), 320 нм да (2), 271 нм да(3), 260 нм да (4), 227 нм да (5) ва 214нм да бўлган полосалар учун олинган ЮП интенсивликларининг хароратга боғлиқлиги графиклари**

На кристалл намуналарида, на керамика намуналарида  $\gamma$ -нурлари билан нурлатишдан олдин ва ундан кейин 200-800 нм спектрал ораликда фотолюминесценцияни уйғотиш имкони бўлмади. Аммо суяқ азот хароратида (77К)  $\gamma$ -нурлари билан тўғридан-тўғри нурларилганда гамма-люминесценция (ГЛ) кузатилди. Кристалда 470-650 нм спектрал интервалда максимуми 300 нм да бўлган катта интенсивлигдаги ГЛ ва максимуми  $\sim 550$  нм бўлган жуда кучсиз полоса кузатилди (4-расм а ). Бу полосалар интенсивликлари нисбатни  $\sim 15,5$  ташкил қилади. Керамика намуналарида эса иккала полосанинг интенсивликлари бир-бирига яқин, (4-расм б) ҳатто 550 нм даги полоса 300 нм полосага нисбатан интенсивроқ ҳам.



**4-расм.  $\text{CaF}_2:\text{YbF}_3$  кристалли (а) ва керамикасининг (б) 77 К (1), 150 К (2), 250 К (3), 300 К (4) хароратлардаги гамма-люминесценциялари**


Шу билан бирга керамикада 300 нм полосанинг интенсивлиги кристалдаги интенсивликка нисбатан  $\sim 2$  марта каттароқ. 550 нм даги полоса  $\text{Yb}^{2+}$  ионларининг яхши ўрганилган люминесценция полосасидир. 300 нм даги полоса автолокалланган экситон нурланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бу ҳақида ҳароратни хона ҳароратигача кўтарганда ушбу полосанинг интенсивлиги кескин камайиб кетиши гувоҳлик беради. Люминесценция спектрида кузатиладиган структура  $Yb^{2+}$  ионларининг ўз ютилиш областларида АЛЭлар люминесценциясини ютишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ҳароратнинг қиймати хона ҳароратигача кўтарилганда 550 нм даги полосанинг интенсивлиги ҳам камаяди. 300 нм полоса интенсивлигининг камайиш тезлиги 550 нм полосага нисбатан катта. 550 нм даги полоса интенсивлигининг камайиши  $Yb^{2+}$  ионларининг температуравий сўниши билан боғлиқдир.

**“ $BaF_2:CeF_3$  асосидаги монокристалл ва нанокерамикаларнинг спектрал хусусиятларини ўрганиш”** деб номланган тўртинчи бобида  $BaF_2:CeF_3$  монокристалл ва нанокерамикасини  $\gamma$ -нурлари таъсиридаги спектрал характеристикалари натижаларини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.


Нурлантирилмаган  $BaF_2:CeF_3$  кристалларининг ЮСларида  $Ce^{3+}$  ионларининг электрон ўтиши билан боғлиқ бўлган максимумлари 205, 285 нм да бўлган (5-расм, 1-чизик) интенсив ЮП мавжуд.




**5-расм. Нурлантирилмаган  $BaF_2:Ce^{3+}$  кристалли (1) ва керамикасининг (2) ютилиш спектри**

Нурлантирилмаган керамика намуналарининг ЮСда бу полосалардан ташқари яна максимуми 282 нм да бўлган қўшимча полоса ҳамда максимуми 250 нм да жойлашган кенг кучсиз полоса аниқланди (5-расм, 2 эгри чизик).

Хона ҳароратида  $10^6$  рад дозадаги  $\gamma$ -нурлари таъсирида кристалл бўяла бошлайди ва ЮС да максимумлари 320, 345, 365, 435, 480, 610 и 750 нм да бўлган ЮПлари пайдо бўлади (6-расм, 1 эгри чизик). Бу полосаларнинг интенсивлиги нурланиш дозаси ортиши билан ортаиб боради ва  $10^7$  рад дозада тўйинишга эришади (7-расм). Лекин бу бўялиш турғун бўлмайди ва 2 ҳафтадан кейин кристалл рангсизланади (6-расм, 2 эгри чизик).



**6-расм. BaF<sub>2</sub>:Ce<sup>3+</sup> кристалларида 5·10<sup>6</sup> рад дозада γ- нурлантиришдан кейин (1) ва 2) нурлантиришдан 1 ҳафта ўтгач ёзиб олинган ЮСлари**




**7-расм. BaF<sub>2</sub>:Ce<sup>3+</sup> кристаллидаги ЮПларининг дозага боғлиқлиги: 320 (1), 345 (2), 365 (3), 435 (4), 480 (5), 610 (6), 750 нм (7) полосалар учун**


Керамика намуналари кристалл намуналарига нисбатан радиация таъсирига чидамлироқ экани аниқланди. У 10<sup>8</sup> рад дозада γ- нурлантириш таъсирида ҳам ранг олмайди, фақат 10<sup>8</sup> рад дозадаги нурланишда ЮС нинг УБ-соҳасида озгина миқдорда кўтарилиши ва умумий кўриш соҳасида оптик зичликнинг жуда кам миқдорда ортиши кузатилди, аммо аниқ ЮПлари кузатилмади.

BaF<sub>2</sub>:Ce<sup>3+</sup> асосидаги кристаллар ва керамикалардаги радиация таъсирига чидамликдаги фарқ бир қадар уларнинг киритмавий кимёвий таркибига боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Айниқса кристалдан фторловчи агентнинг учиб кетиши натижасида қоладиган қургошин излари унинг радиацияга чидамлигини камайтириши мумкин. Керамикани синтез қилишда қўлланиладиган ўз-ўзинини фторловчи BaF<sub>2</sub>·HF прекурсор олинадиган махсулотнинг кимёвий тозалиги нуқтаи назаридан устунлигини таямлайди.

Кристалл намунасини 285нм полоса билан уйғотилганда ФЛ спектрида максимумлари 305 нм ва 320 нм да бўлган полосалар кузатилди (8-расм, 1 эгри чизик). 200-800 нм ораликдаги спектрал соҳада кристаллда бошқа фотолюминесценция полосалари кузатилмади. Керамика намуналарида 285 нм полоса билан уйғотилганда ФЛ спектрида максимуми 305 нм ва 320 нм бўлган интенсив полосалар ва максимуми 550 нм бўлган кичик интенсивликдаги кенг полоса аниқланди (8-расм, 2 эгри чизик). Керамикада ФЛ нинг 305 ва 320 нм даги полосаларининги уйғотувчиси битта полоса бўлиб, унинг максимуми 285 нм бўлган полосага тўғри келади (9-а расм). 550 нм полосали ФЛнинг уйғотиш спектрида максимал қиймати 250, 285 и 345 нм бўлган полосалар кузатилди (9-б расм). 285 нм полоса 305 нм ва 320нм даги ФЛ полосасининг уйғотувчиси бўлиб, у 250 ва 345 нм уйғотувчи полосаларни ўз ичига олади.




